

Лойқа оқизиқлар сарфи ва оқими

РЕЖА:

- 1.Дарё оқизиқлари ҳақида түшүнчә. Муаллақ оқизиқлар сарфи ва оқими.
- 2.Сувнинг лойқалиги ва уни ўлчаш асбоблари.
3. Ўзан туби оқизиқлар оқимини ҳисоблаш. Ўзан туби ва муаллақ оқизиқларни сарфини ҳисоблаш усуллари ва асбоблари.

Маъruzachi : доц. Назаралиев Д.В.

Оқизиқларни ўрганишдан асосий мақсад:

- Гидротехника иншоотларни барпо этишда түғон, ГЭС, сув омборлари, кўприклар, каналларни лойихалашда ва улардан фойдаланишда, оқизиқларни чўкиб қолишдан халос этиш;
- Тоғ ўрмон-мелиорациясини барпо этиш, сув йиғиш майдонларида нураш жараёнларини камайтириш ва сел ҳодисаларининг олдини олиш;
- Дарё ўзанларида учрайдиган сув эрозияси ҳодисаларини ўрганиш, қонуниятларини аниқлаш, илмий ва амалий ишларни амалга ошириш.

Дарё оқизиклари тұғрисида түшунча

- Сув билан оқиб, маълум жойларда чўкиб, ўзан ва қайирларидаги ётқизикларни ҳосил қиласынан майда ва қаттиқ жинсларга дарё оқизиклари дейилади.
- Дарё сувнанда оқиб келаётган оқизиклар асосан қиялиги тик бўлган тоғдан шиддат билан катта тезликда оқиб тушадиган сувнинг тупроқ ва тоғ жинсларининг ювилишидан ҳосил бўлади.
- Дарё сувларининг эрозияси (жинсларни юваб, нураб оқизиши) кучли бўлиши унинг ҳавзаси табиий шароитларига, яъни геологик тузилишига, серсувлитига, рельефига, ёғинлар микдорига, ўсимликлар билан қанчалик қопланганлигига ва бошқа боғлиқ

Сув эрозияси

- Оқизиқлар мураккаб жараёнлар таъсиридан, дарё сув йиғиш майдонларидан ва дарё тизими ўзанларидан бўладиган емирилиши сув эрозияси натижасида ҳосил бўлади. Сув эрозияси маҳсулотлари йил давомида дарё оқизиқлари билан таъминловчи асосий манба ҳисобланади.
- Дарё оқизиқлари ва унинг миқдориини билмасдан туриб ҳар хил сув иншоотларини (ГЭС, сув омбори, канал, тўғин) қуриш мақсадга мувофиқ эмас. Дарё оқизиқлари, бир томондан, заар бўлиб, сув омборлар, тўғонлар, каналлар тагига чўкиб, саёзлаштириб, уларни тозалаш учун кўплаб маблағ талаб қиласа, иккинчи томондан, лойқалар сув билан экин далаларига келиб, чўкиб тупроқ ҳосилдорлигини ошириши мумкин.

Лойқа оқизиклар режимини ўрганишнинг зарурлиги ва аҳамияти

- В. Л. Шулцнинг маълумотига кўра, ўлкамиз дарёларининг ҳар бир кубометр сувида 0,01 дан 2,1 кг. гача лойқа (Амударёда 3740 г/м³, Сирдарёда 2170 г/м³, Зарафшонда 1390 г/м³, Қашқадарёда 1970 г/м³, Шерободдарёда 3140 г/м³) учрайди
- В. Л. Шулц ва Р. Машраповнинг (1969) маълумотига кўра ҳар квадрат километр майдондан Ғузордарё 180 т, Чирчик дарёси 170 т, Қорадарё 516 т, Сурхондарё-350 т, Шерободдарё 240 т, Норин 309 т, Сўх - 664 т. ҳар хил жинсларни ювиб, сувда оқизиб кетади.


Лойқа оқизиқлар режимини ўрганишнинг зарурлиги ва аҳамияти

- Дарёлар ҳавзасидан бўладиган сув эрозияси ва уларнинг маҳсули-дарёларнинг муаллақ оқизиқлари ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.
- Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар, биринчидан, сув эрозияси ва дарёлар муаллақ оқизиқларининг ҳосил бўлиш қонуниятларини аниқлашга имкон берса, иккинчидан эса ирригация ва гидротехника амалиётида муҳим аҳамият касб этади.
- Шуни назарда тутсак, дарёлар ҳавзасидан бўладиган эрозия жараёнларини чуқур ўрганиб, ундан тегишли хулосага келиш ва бу борада зарур тавсиялар ишлаб чиқиши масалалари бугунги кунда жуда долзарб хисобланади.

Лойка оқизиқларининг турларга бўлиниши

- Оқизиқлар дарё ўзанида ҳаракатланишига боғлиқ ҳолда, икки турга ажратилади:
- Муаллақ оқизиқлар, улар дарё ўзанида муаллақ ҳолда ҳаракатланади;
- Ўзан туби оқизиқлари, улар ўзан тубида ҳаракатланади.

Муаллақ ва ўзан туби оқизиқлари



Муаллақ оқизиқлар сарфи ва сувнинг лойқалиги

- Муаллақ оқизиқлар сарфини сувнинг лойқалигидан намуна олишга асосланиб аниклаш мумкин: $R = \frac{\rho \cdot Q}{10^3}$, кг/с.
- Сувнинг лойқалиги ρ эса қуйидаги ифода билан аникланади: $\rho = \frac{\rho_h \cdot 10^6}{V} \text{ г/м}^3$,
бу ерда: ρ_h - намунадаги оқизиқлар оғирлиги, граммда; V -олинган намунанинг ҳажми, миллилитрда.

Ўзан туби оқизиқлари сарфи

- Ўзан туби оқизиқлари сарфини ўлчаш эса намланган периметрнинг ҳар бир метр узунлигидан бир секундда оқиб ўтаётган оқизиқлар микдорини (g) ўлчашга асосланган, яъни:

$$g = \frac{100 \cdot P_n}{t \cdot l}, \text{ г/м}\cdot\text{с.}$$

- бу ерда: P_n - намунадан оқизиқлар оғирлиги, граммда; t - кузатиш давомийлиги, секундда; l - асбобнинг оқизиқларнинг қабул қилиб олаётган қисмининг кенглиги, метрда.

Муаллақ оқизикларни ўлчашда кўлланиладиган асбоблар.

Сувнинг лойқалигидан намуна олишда кўлланиладиган асбоблар батометрлар деб аталади. Улар ишлаш тамойилига қараб икки турга ажратилади:

- Сувдан бир онда намуна оловчи батометрлар;
- Сувдан маълум вакт давомида намуна оловчи батометрлар

Батометр-шиша ГР-16



Батометр ГР-16М комплектацияси



Палас батометри





Ўзан туби оқизикларини ҳисоблашда қўлланиладиган асбоблар

- Ўзан туби оқизикларини ҳисоблашда қўлланиладиган асбобларнинг турлари жуда кўп. Уларга Глушков, Гончаров, Аполлов батомотрларини мисол қилиб келтириш мумкин.
- Тоғ дарёларида ўзан туби оқизикларини ўрганишда Шамов батометри қўлланилади

Щуп донный ГР-69

Дночерпатель штанговый ГР-91



Дночерпатель бентосный для отбора проб плотных донных
отложений



МУСТАҚИЛ ИШ :

- 1.Сув сарфи жадвали(18 талик жадвал)
- 2.Сувнинг оқим тезлиги (аҳамияти, бўлиниши, тезликнинг тақсимланишини боғлиқлиги, эпюра,изотаха, усул ва асбоб хамда жихозлар)
- 3.Сув сарфи (таърифи,ўлчов бирликлари, усуллари, билвосита усул)